

«YUNUSOBOD DEHQONBOZORI» АЖ
акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиш
Б А Ё Н И

2021 йил 30 март

Тошкент шаҳри.
соат 12-00

Ўтказилган жойи: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Юнусобод 3-мавзеси.

Акциядорларнинг 2020 молиявий йил якуни бўйича умумий йиғилиши Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, Юнусобод 3-мавзеси, жамиятнинг маъмурий биносида 2021 йил 30 март куни ўтказилди. Йиғилишда 622618 овозга эга акциядорлар қатнашди, бу жами акциядорларнинг 95,78% ни ташкил этади, йиғилиш ўтказиш ҳуқуқига эга.

Жамият Устав жамғармасининг 94,33 %га эгалик қилувчи Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг 2021 йил 1 мартдаги № 01-25/1599-сонли ишончномасига асосан, “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович қатнашди.

Йиғилиш раёсатига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Ганиев Д.И. - “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бўлим бошлиғи,
Камолов Т.К. – Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларини бошқариш маркази” ДУК бош мутахассиси, жамият кузатув кенгаши аъзоси,
О.Р.Джумаев – «Юнусобод дехкон бозори» АЖ директори в.б

Йиғилиш котибиятига бир овоздан қуйидагилар сайландилар:

Кучаров Э.Б

Йиғилиш саноқ ҳайъатига қуйидаги ходимлар сайландилар:

Закирова Феруза, Алимова Нигорава Юлдашева Шохноза

Йиғилишга “Бозорлар ва савдо комплекслари департаменти” бошлиғи ўринбосари Ганиев Дилмурод Иркинович раислик қилди,

Йиғилиш раиси Ганиев Дилмурод Иркинович йиғилиш кун тартиби билан таништирди.

Йиғилиш кун тартиби:

1. *Жамиятнинг ижроия органи ва кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятнинг ривожлантириши стратегиясига эришиши бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиши.*
2. *Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни юзасидан ташиқи аудиторлик текшируви хулосасини кўриб чиқиши.*
3. *Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар, шу жумладан жамиятнинг бошқаришига доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосалари.*
4. *Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаши.*
5. *Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаши, унинг фойдасини тақсимлаши.*
6. *Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режаси»ни, ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси”ни тасдиқлаши.*
7. *Жамиятнинг директорини сайлаши.*
8. *Жамиятнинг Кузатув кенгашини сайлаши.*
9. *Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаши.*
10. *Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаши натижаларини кўриб чиқиши.*
11. *Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириши киритиши ва қайта тасдиқлаши.*
12. *Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаши ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаши.*
13. *Жамият ҳудудида қурилиши ишларини олиб бориши ҳақида*
14. *Жамият Устав капиталиникамайтириши.*
15. *Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаши.*

16. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

17. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.

Йиғилиш регламенти қуйидагича тасдиқланди:

Асосий масалаларга 10 минутгача.

Сўзгачи қувчиларга 3 минутгача.

Йиғилиш кун тартибидаги **биринчи** масала бўйича жамият директори в.в.б (жамият рахбари) Джумаев Отабек Равшановичнинг ҳисоботи тингланди. Жамият рахбари ўз ҳисоботида 2020 йили куни бўйича амалга оширилган ишлар, эришилган ютуқлар ва мавжуд камчиликлар, 2020 йилга режалаштирилган ишлар ҳақида ҳисобот берди, жумладан жамият томонидан, 2020 йил якуни бўйича жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш учун кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тингланди. Ҳисоботда акциядорлик жамияти томонидан 2020 йилда эришилган ютуқ ва камчиликлари келтириб ўтилди, 2020 йил якуни бўйича режадаги 8 621.8 млн сўмлик ялпи даромад ўрнига 8 378.5 млн сўмга бажариб, режа 97.1% га яъни -243.2 млн.сўмга кам бажарилган; шундан жой ҳақи режаси 3 777.0 млн сўм бўлган, амалда 3 583.2 млн. сўм яъни -193.7 млн. сўмга кам ёки 94.86% га бажарилгани, хизмат ҳақи режаси 1 912.7 млн. сўм бўлган, амалда 1 690.4 млн. сўмга -222.2 млн.сўмга кам ёки 88,38 % га бажарилгани, жамият бино ва иншоотларини ижарага бериш режаси 2 576.4 млн.сўм, амалда 2 740.1 сўмга, 163.7 млн.сўмга кўп яъни 106.3 %га бажарилган, ҳамда инфратузилмадан фойдаланганлик учун тўлов режаси 59.4 млн сўм, амалда 43.4 млн.сўмга яъни 15.9 млн.сўмга кам ёки режа 73.06 % га бажарилган, коммунал хизматлар режаси 289.0 млн. сўм бўлган, амалда 318.5 млн.сўмга бажарилган ва 29.5 млн сўмга кўп яъни 110.2 %га бажарилган, бошқа даромадлар режаси 7.3 млн.сўм, амалда 2.6 млн.сўмга яъни -4.6 млн.кам бажарилганлиги ҳақида ҳисобот берди.

Шунингдек, жамият директори ўз ҳисоботида жами солиқ туловлар режаси 2 171.0 млн.сўм, амалда 2084.7 млн сўм , яъни -86.3 млн.сўм кам сарфланган. (сабаби тушим камайганлиги).

• Жами давр харажатлар режаси 5 663.1 млн. сўм миқдоридан белгиланган, амалда 5 565.1 млн сўм сарфланган, бу режага нисбатан -98.0 млн. сўмга кам сафланган. Шундан : иш ҳақи режа бўйича 3 450.0 млн.сўм, амалда 3 334.1 млн.сўм яъни -115.8 млн.сўмга кам, 12 % ижтимоий солиқ режаси 414.0 млн.сўм, амалда 382.0 млн.сўм яъни -31.9 млн.сўмга кам, жорий таъмирлаш режа бўйича 181.3 млн.сўм, амалда 158.6 млн.сўм яъни -22.6 млн.сўмга ва бошқа харажатлар режаси 258.6 млн.сўм, амалда 201.1 млн.сўм яъни -57.4 млн.сўмга кам сарфланган.

Жорий харажатлардан, электр қуввати режаси 379.3 млн.сўм, амалда 501.0 млн. сўм яъни 121.7 млн.сўмга кўп, сув ва канализация режа бўйича 88.4 млн.сўм, амалда 100.9 млн. сўм, режага нисбатан 12.5 млн. сўм кўп сарфланган ва транспорт харажати режа бўйича 1.4 млн. сўм, амалда 17.2 млн. сўм яъни 5.8 млн.сўмга кўп сарфланган ва сабаблар тўғрисида тушунтириш берди ва 2020 йил соф фойда режаси 1 467.2 млн.сўм бўлган бўлса, амалда 1 376.4 минг. сўм, режага нисбатан -90.7 млн.сўмга кам бажарилганлигини ҳамда жамиятнинг 2020 йил 1 январь ҳолатига дебиторлик қарздорлик 1399595.0 минг сўмни ва кредиторлик қарздорлик 6113102.0 минг сўмни ташкил этиши ҳақида ҳисобот берди.

Сўнгра сўзга йиғилиш қатнашчиси Ганиев Д. чиқиб, жамият раҳбарияти томонидан дебитор ва кредиторлик қарздорликлари миқдорини камайтириш бўйича зарурий ишларни амалга ошириш зарурлигини, зарурий туғилган ҳолда қарздорликларни ундириш мақсадида суд идораларига мурожаат этиш лозимлигини таъкидлади ва қўйилган камчиликларни бартараф этиш ва жорий йилда режаларни тўлиқ бажариш ҳамда харажатларни камайтириш тўғрисида топшириқлар берди ва жамият раҳбарига мурожаат этди.

Берилган саволларга маърузачилар жавоб олганларидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **иккинчи** масала бўйича “AUDIT-RUMANS” МЧЖ аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2020 йил якуни бўйича ўтказилган аудит текшируви ҳулосаси юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқиб...

натижасига кўра, жамият молиявий ва хўжалик фаолияти, ҳамда бухгалтерия ҳисоботлари Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилигига мувофиқ келиши ҳақида ҳисобот берди ва 2021 йил март ойида утказилган текширувда ижобий хулоса берилгани ҳақида маълумот берди (*аудиторлик текшируви хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **учинчи** масала бўйича жамиятнинг тафтиш комиссияси хулосасини жамият бош бухгалтери М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини таништирди. Жумладан, ушбу хулосада жамият тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилган тафтишга ҳамда жамият ташқи аудитори “AUDIT-RUMANS” МЧЖМЧЖнинг 2021 йил март ойидаги ижобий аудиторлик хулосасига асосланиб:

- Адлия вазирлиги томонидан 17.12.1998 йилда 565-сон билан рўйхатга олинган «Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қондалари», пул маблағларини ҳисобга олишни тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилинганлиги;

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 17.11.1999 йилги «Меҳнат ҳақи юзасидан ҳисоб китобларни ўз вақтида амалга оширилиши юзасидан министрликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини жавобгарлигини ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бузиш ҳоллари аниқланмаганлиги;

- Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг 21.12.2004 йилги «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни талаблари бажарилмоқда. Жамиятда асосий иш жой Жамият ҳисобида ишловчиларнинг барчасига Халқ банки бўлимида пенсия дафтарчалари очилиб, Халқ банкига ҳар ойда маблағлар ўтказиб келинаётганлиги;

- Тафтиш комиссия аъзолари аудитор текшируви хулосаларига таяниб, жамиятнинг 2020 йил молиявий-ҳужалик фаолиятининг даромадлар ва харажатлар ҳисоботи ва балансидаги маълумотларининг ҳаққонийлиги тасдиқланганлигини;

- 2020 йил давомида аффилиланган шахслар билан йирик битимлар тузилмаганлигини ҳақида маълум қилди (*тафтиш хайъатининг хулосаси илова қилинади*).

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **тўртинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.М.Мавлянова сўзга чиқиб, жамиятнинг 2020 йил якуний баланси бўйича ахборот берди.

Жумладан,

Бухгалтерия баланси: форма №1

АКТИВ		ПАССИВ	
Асосий воситалар	9 210 038,0	Устав капитали	845000,0
Узок муддатли инвестициялар	20 993,0	Резерв капитали	1247925,0
Узок муддатлик ечкиртирилган харажатлар	0	Таксимланмаган фойда (қопланмаган зарар)	1376469,0
Ишлабчиқариш заҳиралари	142 120,0	Мақсадли тушумлар	2417608,0
Товарлар		Жорий кредиторлик қарзлари	6113102,0
Келгусидавр харажатлар		Қиска муддатли қарзлар	
Дебиторлар	1 399 595,0		
Пул маблағлари	1 118 025,0		
Қиска муддатли инвестициялар	109 333,0		
ЖАМИ	12 000 104,0	ЖАМИ	12 000 104,0
		СОФ ФОЙДА	1 376 469,0

Молиявий натижалар: 1. Махсулот сотишдан олинган соф тушум 7 283 383,0 минг сўм, 2. Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси 1 720 586,0 минг сўм, 3. Даромад ҳисобидан ҳисобланган фойда солиғи 344 117,0 минг сўм, 4. Ҳисобот давридаги соф фойда 1 376 469,0 минг сўм.

Молиявий натижалар:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
	Даромад-лар	Харажат-лар	Даромад-лар	Харажат-лар
Маъсулот (товар, ишвахизмат) ларнисотишдантушгансоф тушум	10 073 639,0	х	7 283 383,0	Х
Сотилганмаъсулот (товар, ишвахизмат)ларнингтаннархи	х	0	Х	0
Маъсулот (товар, ишвахизмат)ларнисотишнингялпифойдаси (зарари)	10 073 639,0	0	7 283 383,0	
Даврхаражатларижами	х	4 730 451,0	Х	5 565 107,0
Маъмурийхаражатлар	х	2 816 999,0	х	3 754 423,0
Бошка операция харажатлари	х	1 913 452,0	х	1 810 684,0
Асосийфаолиятинингбошкадаромадлари	123 273,0	х	2 310,0	х
Асосийфаолиятинингфойдаси (зарари)	5 466 461,0	х	1 720 586,0	х
Дивидент шаклдаги даромади	2 325,0		0,0	
Даромад (фойда) солиқини тўлангунгақадарфойда (зарар)	5 468 786,0	х	1 720 586,0	Х
Даромад (фойда) солиқи	Х	5 099 619,0	Х	344 117,0
Хисоботдаврнинг соф фойдаси (зарари)	369 167,0	0	1 376 469,0	0.0

Жамиятнинг 2020 йил фаолияти якуни бўйича аудиторлик текшируви. “AUDIT-RUMANS” МСНЖ аудиторлик фирмаси томонидан текширилган. Аудиторлик текшируви натижалари бўйича жамият молия –хужалик фаолиятини ижобий фикир хулосаси берилган.

Аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун Молия вазирлиги томонидан 2019 йил 10 апрелда АФ №00804 –сонли Лицензия берилган.

Бизнинг фикиримизча хужалик юритувчи субъект “Юнусобод дехкон бозори” АЖнинг 2020 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботи бўйича молиявий ҳолати ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттирилгани ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келишлиги тўғрисида фикр билдирилган.

Раислик қилувчи кўрилган масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

«Кун тартибидаги **бешинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.Мавлянова сўзга чиқиб, “Юнусобод дехкон бозори” АЖ 2020 йил якунлари бўйича соф фойда режаси 1 467 250.0 минг.сўм этиб режалаштирилган, лекин 2020 йил якунлари бўйича соф фойда амалда 1 376 469.0 минг.сўм, режага нисбатан -90 781.0 минг.сўмга кам фойда олинганлигини айтиб, олинган соф фойдани 85 % қисмини яъни 1 169 998.6 минг сўмни акциядорларга дивидент, 5% қисмини 68 823.4 минг сумни жамият захира жамгармасига ва қолган 10 % қисмини яъни 137 646.9 минг сўмни жамият ва кузатув кенгаши ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтириш таклифини киритди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Йиғилиш кун тартибидаги **олтинчи** масала бўйича жамият бош ҳисобчиси М.Мавляновасўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йилга режалаштирилган “Бизнес-режаси”, ҳамда “2021 йил учун даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” билан йиғилиш катнашчиларини таништирди. Жумладан, бизнес-режасидаги 2021 йилга режалаштирилган ишлар, даромад олиш манбалари, соф фойда режаси йиғилиш иштирокчилари томонидан муҳокама этилди. (“Бизнес-режа” ва “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” тўғрисида илова қилинади).

Маърузачининг берилган саволларига олинган жавобидан сўнг, раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **еттинчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасини амалдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунга асосан «Юнусобод дехкон бозори» акциядорлик жамияти

директори в.б Джумаев Отабек Равшанович куп йилдан бери бозорларда директор ўринбосари ва директор ловозимларида ишлаб келган 2020 йил 23 ноябрдан жамиятда директор вазифасини бажарувчиси лавозимида ишлаб келмоқда. Ўтган иш фаолиятида Джумаев Отабек Равшанович ўзининг талабчанлиги ва меҳнатсеварлиги туфайли жамият ишчи ходимлари ўртасида ўз обрий эътиборига эга. Жамиятда ишчи ходимларнинг меҳнат интизомини мустахкалашга, уларнинг меҳнатга булган муносабатини ўзгартиришга, бозор ҳудудида доимий равишда тартиб урнатишга ва бозор ҳудуди буйича доимий равишда озодаликни сақлашга эришиб келмоқда.

Бозор ҳудудида нархларнинг барқарорлигини таъминлаш учун барча чораларни куриб, бозор ҳудудида доимий равишда озодалик масалаларига каттиқ эътибор қаратиб, ерда савдо қилиш ҳолатларига барҳам бериб боради.

Ўзбекистон Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг, Тошкент шаҳар ҳокимининг ва бошқа тегишли мутасадди органлар қарорлари ва фармойишларини ўз вақтида бажарилиш ижросини таъминлашни ташкил этди. Белгиланган режа кўрсаткичлар ўз вақтида бажарилиши таъминлайди.

Бозорни замонавий кўринишга келтирилишида, аҳоли ва сотувчилар учун қулай шартнослар яратишда Джумаев Отабек Равшанович ўз хиссасини қўшишга ишонамиз.

Исроилов Баяржон ўз хохиши билан жамият директорликка сайланишдан ўз номзодини олиб ташлашни илтимос қилди.

Джумаев Отабек Равшановични жамият директори (ижро органи) этиб тасдиқланиши ва меҳнат шартномаси қузатув кенгаши билан тузиш таклифини киритди ва акциядорлардан ушбу масала бўйича бюллетен орқали ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **саккизинчи** масалага ўтиб, 2021 йилда жамиятнинг Кузатув Кенгаши аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича кумулятив овоз бериш йўли билан овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи кун тартибидаги **тўққизинчи** масалага ўтиб, жамиятнинг Тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тарқатилган овоз бериш бюллетенларида келтирилганлигини билдириб, акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўнинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, жамиятда Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш ўтказилганлигини, “Корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини баҳолаш натижаларига кўра “Юнусобод дехкон бозори” АЖ 2020 йил якуни бўйича теширув “Осиё Аудит” МЧЖ аудиторлик ташкилот томонидан текширув ўтказилганлиги ва унинг ҳулосаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн биринчи** масала бўйича раислик қилувчи сўзга чиқиб, жамият ижроия органи ва Кузатув кенгаши томонидан ҳозирги кундаги давр талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳамда жамиятнинг молиявий-хўжалик ҳолатини кўтариш, малакали кадрларни жалб этиш зарурияти юзага келганлигини, шу муносабат билан жамиятда иш юритаётган кадрларнинг иш фаолияти, эгаллаган лавозими ва жамиятга қўшаётган хиссасини инобатга олиб ва бошқа зарурий жиҳатларни эътиборга олиб жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиб, тасдиқлаш таклифи киритилганлигини айтиб, янги таклиф этилаётган ташкилий тузилма билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн иккинчи** масала юзасидан жамият бош ҳисобчиси М.Мавлянова сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ЎРҚ-531 -сонли қонунига мувофиқ “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқларини химоя қилиш

тўғрисидаги Қонуни”га ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш акциядорларнинг умумий йиғилиш ваколатига берилиши муносабати билан аудиторлик текширувини ўтказилиши бўйича танлов эълон қилинганлигини ва шунга асосан қуйидаги ташкилотлардан таклифлар тушганини айтиб ўтди:

1. “AUDIT-RUMANS” MCHJ - 6000000 сўм,
2. “OSIYO-AUDIT” MCHJ - 6500000 сўм.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн учинчи** масала юзасидан жамият директори в.б О.Р.Джумаев сўзга чиқиб, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарорига асосан рухсатнома олиб қурилиш ва реконструкция ишларни амалга ошириш учун инвестрларни жалб этган ҳолда ҳамда ҳашар йўли билан амалга ошириш лозимлигини ҳамда қурилиш ва реконструкция ишларни амалдаги қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда олиб борилди ва қурилиш ишларини давом эттириш учун амалдаги қонунларга ва меъёрий ҳужжатларга амал қилган ҳолда давом эттиришини ва бошқа қурилиш лозим бўлган ишлар билан таништирди.

Раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар бўйича мутахассис Э.Кучаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарориди Тошкент шаҳридаги бошқа деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Юнусобод деҳқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш белгилаб қўйилганлиги, шу мақсадда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушини камайтириш лозим эди.

Лекин, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, устав фондни камайтириш ваколатини жамият Кузатув кенгашига бериш таклиф этилишини билдирди.

Йиғилиш раиси акциядорлардан ўз бюллетенларида овозларини қайд этишларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн бешинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси Кучаров Э.Б. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарориди Тошкент шаҳридаги бошқа деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Юнусобод деҳқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш белгилаб қўйилганлиги, шу мақсадда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушини камайтириш лозимлиги, лекин, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколатини жамият Кузатув кенгашига беришни таклиф этди.

Йиғилиш раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн олтинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахассиси Кучаров Э.Б. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарориди Тошкент шаҳридаги бошқа деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Юнусобод деҳқон бозори” АЖнинг ҳам

шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилишида афилланган битим тузилиши, лекин, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш масаласи ваколатини жамият Кузатув кенгашига бериш таклиф этилди.

Йиғилиш раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги **ўн еттинчи** масала юзасидан жамият қимматли қоғозлар мутахасиси Кучаров Э.Б. сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 34-сонли қарорида Тошкент шаҳридаги бошқа деҳқон бозорлари ва савдо комплекслари билан бир қаторда “Юнусобод деҳқон бозори” АЖнинг ҳам шаҳобчаларини Тошкент шаҳар ҳокимлиги “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКга берилиши ҳисобига жамиятдаги давлат улушини (ҳокимият улушини) ушбу шаҳобчаларнинг баланс қиймати суммасига камайтириш белгилаб қўйилганлиги, шу мақсадда жамиятнинг устав фондида шаҳобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушини камайтириш ва жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш лозимлиги, шу сабабли, жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш ваколатини жамият Кузатув кенгашига бериш таклиф этилди.

Йиғилиш раислик қилувчи акциядорлардан ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларида ўз муносабатларини билдиришларини сўради.

Раислик қилувчи умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар кўриб чиқилганини айтиб, овоз бериш натижалари санок хайъати томонидан аниқлангунга қадар танаффус эълон қилди.

(танаффусдан сўнг)

Санок хайъати йиғилиш қатнашчиларини овоз бериш натижалари билан таништирди.

1-масала Ўқлаган 617472 та овоз -99.17 % қарши 5146 та овоз -0.83 % Бетараф%	2-масала Ўқлаган 617472 та овоз -99.17 % қарши 0 – 0% Бетараф 5146 та овоз – 0.83 %	3-масала Ўқлаган 617472 та овоз -99.17 % қарши 0 – 0% Бетараф 5146 та овоз – 0.83 %
4-масала Ўқлаган 622618 та овоз 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	5-масала Ўқлаган 622618 та овоз 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	6-масала Ўқлаган 617472 та овоз -99.17 % қарши 0 – 0% Бетараф 5146 та овоз – 0.83 %
7.1 масала Ўқлаган 5448 та овоз 0.87 % қарши 0 – 0% Бетараф 617170 та овоз – 99.13 %	7.2 масала Ўқлаган 0 та овоз 0% қарши 617472 та овоз – 99.17 % Бетараф 5146 та овоз – 0.83 %	
8-масала		
8.1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
8.3. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
8.4. Талипджанов Нодир Вахидови	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
8.5. Тулаганов ФарходФайзуллаевич	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
8.6. Камолов ТолмасКаримович	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
8.7. Халилова Наргиза	Ўқлаган 622316 та овоз 99.95 %	
8.8. Холматова Тамара	Ўқлаган 302 та овоз 0.05 %	
8.9. Исроилова Насиба	Ўқлаган 0 та овоз 0 %	
9-масала		
9.1. Ибрагимова Гулчехра	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
9.2. Ким Алик Векторович	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
9.3. Мирасулов Абдухамид	Ўқлаган 622618 та овоз 100 %	
10 масала Ўқлаган 622618 та овоз 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	11 масала Ўқлаган 622618 та овоз 100 % қарши 0 – 0% Бетараф 0 – 0 %	12.1-масала Ўқлаган 622618 та овоз 100 % қарши 0 та овоз 100 % Бетараф 0 та овоз – 0 %

<p>12.2 масала</p> <p>Ёқлаган 0 % қарши 622618 та овоз 100 % Бетараф0 – 0 %</p>	<p>13 масала</p> <p>Ёқлаган 622618 та овоз 100 % қарши 0 – 0% Бетараф0 – 0 %</p>	<p>14 масала</p> <p>Ёқлаган 617472 та овоз 99.17% қарши 5146 та овоз 0.83 % Бетараф0 – 0 %</p>
<p>15 масала</p> <p>Ёқлаган 617472 та овоз 99.17% қарши 5146 та овоз 0.83 % Бетараф0 – 0 %</p>	<p>16 масала</p> <p>Ёқлаган 617472 та овоз 99.17% қарши 5146 та овоз 0.83 % Бетараф0 – 0 %</p>	<p>17 масала</p> <p>Ёқлаган 617472 та овоз 99.17% қарши 5146 та овоз 0.83 % Бетараф0 – 0 %</p>

Раислик қилувчи кун тартибидаги барча масалалар кўпчилик овоз билан қабул қилинганини билдирди. Саноқ хайъати баённомаси бир овоздан тасдиқланди.

КУН ТАРТИБИДАГИ БАРЧА МАСАЛАЛАР АТРОФЛИЧА МУХОКАМА ҚИЛИНИБ ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. «Юнусобод дехкон бозори» акциядорлик жамияти ижроия органи ҳамда Кузатув кенгашининг йиллик ҳисоботи ва улар томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари тасдиқлансин. (Ёқлаган 617472 та овоз -99.17 %, қарши 5146 та овоз – 0.83 %, бетараф%)

2. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан “AUDIT-RUMANS” МСНЖ аудиторлик ташкилоти МЧЖнинг 2021 йил 24 мартдаги ижобий аудиторлик хулосаси инobatга олинсин. (Ёқлаган 617472 та овоз -99.17 %, қарши 0 – 0%, бетараф 5146 та овоз – 0.83 %)

3. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2020 йил якуни бўйича ўз ваколати доирасига кирган масалалар, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир конун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан хулосаси инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 617472 та овоз -99.17 %, қарши 0 – 0%, бетараф 5146 та овоз – 0.83 %).

4. Жамиятнинг 2020 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи инobatга олинсин ва тасдиқлансин. (Ёқлаган 622618 та овоз 100 %, қарши 0 – 0%, бетараф0 – 0 %).

5. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича фойда ва зарарлар ҳисобварағи тасдиқлансин. Ёқлаган 622618 та овоз 100 %, қарши 0 – 0%, бетараф0 – 0 %).

5.1. Жамиятнинг 2020 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича 1 376 470.0 мингсўм микдордаги олинган соф фойданинг 85 % қисмини яъни 1 169 999.5 минг сўмни акциядорларга дивидент, 5% қисмини 68 823.5 минг сўмни жамият захира жамғармасига ва қолган 10 % қисмини яъни 137 647.0 минг сўмни жамият ва кузатув кенгаши ходимларини моддий рағбатлантириш учун йўналтирилсин. Ёқлаган 622618 та овоз 100 %, қарши 0 – 0%, бетараф0 – 0 %).

5.2. Ҳар бир акция учун 1799 сум 86 тийин ҳисобланди ва 60 кун давомида дивидент тулансин.

6. Жамиятнинг 2021 йилга мўлжалланган «Бизнес-режа»си ҳамда “Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси” иловага мувофиқ, кейинчалик Кузатув кенгаши томонидан ўзгартириш киритиш шарти билан, тасдиқлансин. Жамият ижроия органига «Бизнес режа» параметрларини тўлиқ бажариш чораларини кўриш юклатилсин. (Ёқлаган 617472 та овоз - 99.17 %, қарши 0 – 0%, бетараф 5146 та овоз – 0.83 %)

7. Жамият директорлигига номзод сифатида кўрсатилган Джумаев Отабек Равшановични жамият директори этиб сайланишига етарли рози овоз бўлмаганлиги сабабли масала тасдиқланмади. (Ёқлаган 5448 та овоз 0.87 %, қарши 0 – 0%, бетараф 617170 та овоз – 99.13 %)

Шунингдек, директорликка номзод сифатида кўрсатилган Исраилов Баёржон ўз номзодини олганлиги инobatга олинди. (Ёқлаган 0 та овоз 0%, қарши 617472 та овоз – 99.17%, бетараф 5146 та овоз – 0.83 %)

8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзолигига кумулятив овоз бериш йўли билан қуйидагилар сайлансин:

1. Абдурахманов Музаффар Мирзарахимович
- 8.2. Акбарходжаев Лазизхон Турапович
- 8.3. Тошхўжаев Жавдатхўжа Махамадхўжаевич
- 8.4. Талипджанов Нодир Вахидови
- 8.5. Тулаганов ФарходФайзуллаевич

- Ёқлаган 622618 та овоз 100 %
Ёқлаган 622618 та овоз 100 %

8.6. Камолов Толмас Каримович

Ёқлаган 622618 та овоз 100 %

8.7. Халилова Наргиза

Ёқлаган 622316 та овоз 99.95 %

9. Тафтиш комиссиясига Ибрагимова Гулчехра, Ким Олег ва Мирасулов Абдухамид сайлансин. (Ёқлаган 622618 та овоз 100%, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

10. Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари қабул қилинсин ва жамият кузатув кенгаши ҳамда ижроия органига аниқланган камчиликларни бартараф этиш вазифаси юклатилсин. (Ёқлаган 622618 та овоз 100%, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

11. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритилсин ва қайта тасдиқлансин (Ёқлаган 622618 та овоз 100%, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

12. Жамиятнинг 2021 йил фаолияти учун жамият Аудитори этиб “AUDIT-RUMANS” МСНҲ аудиторлик ташкилоти тасдиқлансин ва унга тўланадиган ҳақининг энг кўп чегараси 6.000.000 сўм миқдори этиб белгилансин. (Ёқлаган – 622618 та овоз 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

13. Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва қарорларга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 майдаги 370-сонли қарорига асосан рухсатнома олиб қурилиш ва реконструкция ишларни амалга ошириш жамият ижро органига юклатилсин. (Ёқлаган – 622618 та овоз 100 %, Қарши 0 – 0 %, Бетараф 0 – 0 %).

14. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилиб, устав фондни камайтириш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин. (Ёқлаган – 617472 та овоз 99.17 %, Қарши 5146 та овоз – 0.83 %, Бетараф 0 – 0 %).

15. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги, шу сабабли, жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ва эмиссия рисоласига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин. (Ёқлаган – 617472 та овоз 99.17 %, Қарши 5146 та овоз – 0.83 %, Бетараф 0 – 0 %).

16. Жамиятда аввал чиқарилган акцияларни бекор қилишга доир ҳужжатлар охирига етмаганлиги сабабли жамиятнинг афилланган шахси билан битим тузиш масаласи ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин. (Ёқлаган – 617472 та овоз 99.17 %, Қарши 5146 та овоз – 0.83 %, Бетараф 0 – 0 %).

17. Жамиятнинг устав фондида шахобчаларни берилиши ҳисобига ҳокимият улушини камайтириш ва жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш лозимлиги, шу сабабли, жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш ваколати жамият Кузатув кенгашига берилсин. (Ёқлаган – 617472 та овоз 99.17 %, Қарши 5146 та овоз – 0.83 %, Бетараф 0 – 0 %).

Баённома имзоланган сана: «8» апрел 2021 йил.

Йиғилиш раиси:

Ганиев Д.И

Котиб:

Кучаров Э.Б